



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY TA'ILIM, FAN VA  
INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

# БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ

(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)  
мавзусидаги халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция

## МАТЕРИАЛЛАРИ

2023 йил–10 июнь

Бухоро - 2023

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАТЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АРХЕОЛОГИЯ ВА БУХОРО ТАРИХИ КАФЕДРАСИ**

**БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ**  
(энг қадимги замонлардан ҳозиргача)

*мавзусидаги халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция*

**МАТЕРИАЛАРИ**

*2023 йил – 10 июнь*

**Бухоро - 2023**

~ 2 ~

Илмий-амалий анжуман Бухоро тарихи, манбашунослиги, тарихшунослиги, археологияси, этнографияси, нумизматикаси, шаҳарсозлиги, маданият ва санъати соҳаларида амалга оширилаётган энг янги илмий натижаларни илмий жамоатчиликка етказиш, фан ва таълимнинг узвий боғлиқлигини кучайтириш мақсадида Бухоро давлат университетида **2023 йил 10 июнь** куни **“БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ” (ЭНГ ҚАДИМГИ ЗАМОНЛАРДАН ҲОЗИРГИ ДАВРГАЧА)** мавзусидаги халқаро микёсида илмий-амалий конференция белгиланган тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилди.

Ушбу тўплам кенг илмий жамоатчилик, Бухоро тарихи билан қизиқувчилар, тарихчилар, магистрантлар ва талаба ёшларга мўлжалланган

**Масъул муҳаррир:**

**БухДУ профессори, тарих фанлари доктори**

**Ҳ.Ҳ.Тўраев**

**Таҳрир хайъати ва аъзолари:**

<b>Бухоро давлат университети ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор</b>	<b>О.Х.Ҳамидов</b>
<b>Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, физ-мат ф.д (DSc), проф</b>	<b>Т.Ҳ.Расулов</b>
<b>Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири</b>	<b>Ф.У.Темиров</b>
<b>Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори</b>	<b>И.С.Иноятов</b>
<b>Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори</b>	<b>Ш.А.Ҳайитов</b>
<b>тарих фанлари номзоди, доцент</b>	<b>М.Б.Қурбонова</b>
<b>тарих фанлари номзоди, доцент</b>	<b>М.И.Ниязова</b>
<b>тарих фанлари номзоди, доцент</b>	<b>Ф.Ҳ.Бобожонова</b>
<b>тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</b>	<b>И.Н.Наимов</b>
<b>тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)</b>	<b>А.Ҳ.Болтаев</b>
<b>Археология ва Бухоро тарихи кафедраси катта ўқитувчиси</b>	<b>О.И.Ражабов</b>
<b>Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси</b>	<b>Ш.Ў.Носиров</b>

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар:**

**Темиров Ф.У.** – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси мудири  
**Умаров Б.Б.** – Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси  
**Носиров Ш.Ў**– Археология ва Бухоро тарихи кафедраси ўқитувчиси

Мазкур тўплам Бухоро давлат университети Илмий Кенгашининг 2023 йил 15 майдаги  
7 – сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

*Илмий-амалий анжуман материалларида ёритилган тарихий жараёнлар,  
маълумотлар, чиқарилган хулосалар, манба ва адабиётлар учун муаллифларнинг  
ўзлари масъул ва жавобгар*

1. Гафуров Б. Тоҷикон: Таърихи қадимтарин, қадим, асрҳои миёна ва давраи нав. – Душанбе: Дониш, 2008. – 870 с.
2. Неъматов Н., Амиршоҳӣ Н., Мирбобоев А., Пирумшоев Ҳ. Таърихи халқи тоҷик. – Душанбе: Ношир, 2008. – 870 с.
3. Турсунов Н. Таърихи тоҷикон. – Хучанд, 2001. – 787.
4. <https://donish.org/ru/course/learn>. (Санаи мурочиат 5.05.23)

## 1910 ЙИЛ ЯНВАР ВОҚЕАЛАРИ: САБАБ, ОҚИБАТ ВА ЕЧИМ

*И.Н. Наимов*

*БухДУ т.ф.ф.д, (PhD)*

Маълумки, мусулмон дунёси VII-VIII асрлардан бошлаб икки оқимга бўлиниб кетди<sup>810</sup>. Оқибатда, диний-сиёсий келишмовчиликларга миллий-сиёсий қарамақаршиликлар ҳам қўшилди. Шиа эронийлари сунний арабларга душманлик билан қарши чиқа бошладилар<sup>946</sup>.

Бундай ҳолат, Ўрта Осиё хонликларидаги диний муносабатларда ҳам кўзга ташланади. 1756 йил 12 декабрда Муҳаммад Раҳимхон 164 йил ҳукмронлик қилган манғитлар сулоласига асос солади. У аштархонийлар даврида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан таназзулга учраган давлатни анча тартибга солиб, қўплаб ободонлаштириш ишларини амалга оширган. Абулфайзхон даврида қўлдан кетган Бухоро хонлиги ҳудудларини анча кенгайтирган<sup>811</sup>. Бироқ манғитлар сулоласининг кейинги вакиллари, айниқса Амир Ҳайдар (ҳукмдорлик даври: 1800-1825 йй.) замонидан бошлаб амирлик тузумини бошқаришда қўплаб ижтимоий-сиёсий хатоликларга йўл қўйилган. Амир Абдулаҳад (ҳукмдорлик даври: 1885-1910 йй.) даврига келиб эса, давлат мансабдорлик вазифаларига аждоглари эроний куллардан бўлган амалдорларнинг салмоғи ортиб, аҳолининг қўпчилик қисмини ташкил этувчи ислом дини мазҳабларининг манфаатлари инобатга олинмаган. Қўшбеги ва уламолар томонидан ношаръий фатволар чиқариш авж олган. Оқибатда, аҳоли орасида норозиликлар кучайиб турли динлар, айниқса ислом дини мазҳаблари орасида зиддиятлар авж олган<sup>812</sup>.

Шу сабабли, Бухоро амирлигидаги диний низоларни баргараф этиш ва улар орасида тинчликни мустаҳкамлаш учун айрим зукко алломалар эътибор қаратиб,

---

<sup>810</sup> Милодий 680 йилда Али ибн Абу Толибнинг иккинчи ўғли Ҳусайн Карбалода ўлдирилганидан бошлаб мусулмон дунёси икки оқимга, яъни сунний ва шиаларга ажралиб, бир неча асрлар давомида барҳам топмаган зиддиятларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Сунний ва шиалар ўртасидаги келишмовчиликнинг асосий нуқтаси, уларнинг олий ҳокимият учун курашлари билан бир қаторда, улар орасидаги баъзи масалалар, хусусан, диний маросимлар ва шариат қоидалари масалаларида ҳам фарқлар мавжуд. Аммо бу улар ўртасидаги зиддиятларнинг туб илдизларидан узоқ бўлган келишмовчиликлардир. Шу сабабли ихтилофлар тобора кенгайиб, VII-VIII асрларда араблар томонидан забт этилган халифаликнинг шарқий минтақалари аҳолисини шиалар ўз таркибига кучли жалб эта бошлаганлар. <sup>946</sup> Шмидт А. Из истории суннитско-шиитских отношений (В честь В.В. Бартольда). – Ташкент: Издание Общества для изучения Таджикистана и иранских народностей за его пределами, 1927. – С. 4.

<sup>811</sup> Ражабов Қ. Муҳаммад Раҳимхон – манғитлар сулоласининг асосчиси // Бухоро мавжлари, 2005. - №3. –

Б. 37.

<sup>812</sup> Ўзбекистон МА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 773-иш, 10-12-варақлар.

ихтилофларни оқилона ҳал этиш бўйича ўз таклифларини ишлаб чиққанлар. Шулардан бири буюк маърифатпарвар аллома Аҳмад Дониш (1827-1897 йй.) саналиб, шиалар ва суннийларни ўзаро яраштириш бўйича махсус рисола ёзган.

Дониш рисоланинг муқаддимасида уни ёзишга туртки берган омилларга батафсил тўхталар экан, ўз замонасида амирлик ички вазиятига раҳна солувчи турли мазҳаб ва оқимлар бўлганлиги ва уларни бағрикенгликка чақириш зарурлигини таъкидлайди. Шунинг учун “Меъёр-ут-тадойюн”<sup>813</sup> (Иймон мезонлари)<sup>814</sup> номли асар ёзишга қарор қилгани ва чин мусулмон сифатида ҳақиқий эътиқод, диннинг тўғри йўли ҳақидаги фикрларини баён этиб, замондошлари ва келажак авлод учун васиятнома сифатида тақдим этганини таъкидлайди<sup>815</sup>. Токи ушбу рисолани ўқиши ва онгли равишда иймон йўлига қадам қўймоқчи бўлган киши ғайрат билан иймонининг мукамаллиги ва номукамаллигини англайдиган ва бидъатга қарши норозилик билдира оладиган бўлиб етишсин<sup>816</sup>.

“Меъёр-ут-тадойюн”нинг учинчи фаслида асосан диний низолар масалаларига эътибор қаратади. Диний бағрикентлик ва тотувликни таъминлаш бўйича ўз хулосаларини келтиради. Асосан, диний ихтилофлар, хусусан шиа ва суннийларнинг ўзаро низоларига барҳам бериш ечимларини излашга уринади. Икки оқим ўртасидаги жанжалларнинг туб негизларига эътибор бериб, сабабларини излайди. “Аслида сабабларнинг аҳволи Аллоҳ чегараларига етиш ёки зохирий йўл топиш учун эмас, балки уламоларнинг қасос олиш ва дунёвийлик (бойлик) топиш учун бўлган экан!”<sup>817</sup>, – деб ёзади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Бухоро амирлигида XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб шиалар ва суннийлар ўртасида адоват авж ола бошлаган. Бухоро амирлиги давлат мансабдорлик вазифаларига асосан шиа оқимига эътиқод қилувчилар тайинланган. Икки оқим ўртасидаги зиддият диний эмас, балки сиёсий ва иқтисодий мазмундаги ҳокимият учун кураш сабаб бўлган. Кўп ҳолларда улар ўртасидаги сурункали тортишувлар котиллик ва қонли тўқнашувлар билан тугаган. Уларда асосан аҳолининг аксарият қисмини ташкил этувчи суннийлар ғолиб чиқишган. Оқибатда, шиалар Янги Бухоро (Когон)га кўчиб ўтишга мажбур бўлишган<sup>818</sup>.

Бундай салбий ҳолат амирликда турли дин ва оқим вакилларининг мавжудлигида эмас, балки сиёсий тузилмаларининг юқори поғоналарида мавжуд бўлган иллатлар билан боғлиқдир. Чунки мансабдорлик вазифаларини эгалланган шахслар ўз иш фаолиятларида аксарият ҳолатларда шиа мазҳабига мансуб аҳолининг манфаатларини устун қўйиб, ҳимоя келишган. Қозилар икки дин вакиллари ўртасидаги низоларни ҳал

<sup>813</sup> Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ас-Сиддикий ал-Бухорий. “Меъёр-ут-тадойюн”. ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 136-варақ; Ўша жойда. анжом рақами: 2776. 153-варақ (1311/1894 й. Муаллиф дастхати); анжом рақами: 2187. 154-варақ (Кўчирувчи Мир Сиддиқхон Ҳашмат).

<sup>814</sup> Муқаддима, 3-фасл ва хотимадан иборат ушбу асар хижрий 1311 (милодий 1894 й.) йилда ёзилган бўлиб иймон ва диёнат, поклик ва унга эришиш мезонлари, диний ақидапарастлик ва унинг оқибатларини бартараф этиш, шунингдек, дунё динларининг моҳияти, ислом мазҳаблари – шиа ва суннийларнинг ўзаро қарама-қаршиликлари сабаблари ҳамда бир-бирлари билан муроСага келиш масалалари тўғрисида фикрлар баён этилган.

<sup>815</sup> ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 2,3-варақлар.

<sup>816</sup> ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 2187. 10-варақ.

<sup>817</sup> ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 109-варақ.

<sup>818</sup> По поводу событий в Бухаре (Беседа) // Туркестанский сборник, Том 542. – Ташкент, 1910. – С. 2.

қилишда адолатсиз қарор чиқаришлари оддий ҳолга айланган<sup>819</sup>. Бироқ ҳар икки оқим вакиллари тинч ва осойишталикда, баҳрикенглик руҳида яшаш тарафдорлари эдилар. Узоқ йиллар давом этган можаролардан чарчаган фуқаролар адолат истаб, мавжуд муаммони ижобий ҳал этилишини кутганлар. Хусусан, бу тўғрисида бир неча йиллар қозилик фаолияти билан шуғулланган Аҳмад Дониш “Меъёр-ут-тадойюн” асарида аҳамиятли маълумотни келтиради. Баён этишича, Шероздаги бир мударрис (шиа мазҳабига мунсуб) суннийлар юрадиган йўл ёқасидан бир мевазор яратади. Мевалар пишгач, шу боғ олдидан ўтадиган ва ҳаваси келса-да, мевалардан баҳраманд бўла олмайдиган суннийларни кўрганида мотам сақлайдиган одати бўлади. Ундан мотамнинг сабабини сўраганларида суннийларга раҳми келиб, ачинишини ва уламоларнинг қарорига биноан улар камбағалликка дучор бўлганликларидан норози эканлигини билдиради<sup>956</sup>. Бундан хулоса қилиш мумкинки, муаллиф диний низоларнинг сабабларини топишга ҳаракат қилиб, асосий омил сифатида сиёсий ихтилофларга уламоларнинг халқни ўйламасликлари ва мол-мулк тўплашга ружу қўйганликларида деб ҳисоблайди.

Дониш Бухорода диний низолар ўзининг авж нуктасига чиқишидан ўн беш йил аввал (1895 й.) ушбу нозик масалага ҳукумат диққатини қаратмоқчи бўлганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Манбада низоларнинг сабабларини кўрсатиб, бартараф этиш чораларини кўришга даъват этади. Ўз ҳолига ташлаб қўйиб зудлик билан тадбирлар кўрилмас экан, қонли можаролар келиб чиқишидан огоҳлантиради. Албатта, Дониш мазкур масалада ҳақ эди. Чунки, амирликда мазкур нозик масала бўйича тайинли чоралар кўрилмади. Оқибатда, 1910 йил январ (муҳаррам ойининг ўнинчи куни, ҳ. 1328

й.)да айрим гуруҳлар томонидан Бухоро шаҳрида уюштирилган фитна натижасида бир неча кунлик йирик мазҳабий қонли можаро келиб чиққан эди<sup>820</sup>. Ваҳоланки, бундан олдин қўшни хонликлар, хусусан Ашхободда сунний ва шиалар иттифоқчилик чораларни кўриб, ҳатто фарзандларини бирга ўқитишга келишган бўлсалар-да<sup>821</sup>, бу Бухоро амалдорлари учун ибрат бўлмаган эди. Бироқ таъкидлаш лозимки, маърифатпарварлар орасида тинчлик тарафдорлари кўпчиликни ташкил этар эди. Улар Донишнинг мазкур асаридан яхши хабардор бўлганликлари сабабли, ундан дастурул амал сифатида фойдаланиш мумкинлигини тушунганлар ва фитна келиб чиқиш хавфини сезиб, “Меъёр-ут-тадойюн” асарини 1909 йилда хаттот Мулло мир Нўъмон ал-Бухорий томонидан қайта кўчиртирганлар ва кенг тарғиб қилишга ҳаракат қилганлар<sup>822</sup>.

Туркистон муҳофаза бўлимига келиб тушган маълумотларга кўра тўқнашувга “Шахсей Вахсей”<sup>823</sup> (“Ашуро”) маросимининг Остонакул Қўшбеги руҳсати билан очик

<sup>819</sup> Қаранг: Гуровский Р. Экономическая жизнь в Бухаре // Туркестанский сборник, Том 542. – Ташкент, 1910. – С. 4. <sup>956</sup> ЎЗР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 109-варақ.

<sup>820</sup> Бу ҳақда қаранг: Айний С. Тарихи инқилоби Бухоро. – Душанбе: Адиб, 1987. – С. 58-67; Телеграмм. Дахилия хабарлари // “Таржимон”. 13 январь 1910 йил, -№3.; Исмаил Гаспиринский. Бухараи шариф вақеаси // “Таржимон”. 22 январь 1910 йил, -№4.

<sup>821</sup> Каспий. Турли ҳавадис. // “Таржимон”. 24 март 1906 йил, -№30.

<sup>822</sup> Қаранг: Аҳмад Махдуми Дониш. Меъёру-т-тадойюн (Таҳияи матн ба алифбои кириллии тоҷики ва тасҳеҳу тавзеҳот ва шарҳи луғот аз А. Девонакулов ва Н. Зокиров). – Душанбе: Эр-граф, 2010. – С. 263.

<sup>823</sup> “Шахсей Вахсей” – шиаликдаги мотам маросими. Муҳаммад расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Абу Толибнинг набираси (Алининг иккинчи ўғли) имом Хусайннинг ҳалок бўлгани муносабати билан ҳар йили муҳаррам ойининг бошида ўтказилади. Шахсей-вахсей шиаларнинг мотам юришлари вақтида одат бўлган “Шоҳ Хусайн, воҳ Хусайн” деган

ўтказилиши сабаб бўлган. 8-14 январь кунлари содир бўлган мазҳабий қаршиликларда ярадорлар билан ҳисоблаганда қурбонлар сони минг нафаргача етган. Шаҳардаги бозорлар, йирик маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларининг фаолияти бутунлай тўхтаган. Ҳатто бошқа дин вакиллари, хусусан яҳудийлар қотилликлардан кўрқиб, ҳимоя қилишларини сўраб ҳукуматга мурожаат этган. Шиалар Қўшбеги томонидан ўқотар қурол билан махфий таъминланган. Аҳолининг қўпчилик қисмини ташкил этувчи сунний мазҳаби вакиллари Амир Абдулаҳаддан фитна айбдорлари, аҳоли орасида “чор ҳоким” сифатида юритилган – Қўшбеги, Мироббоши, Қози-ул-қуззот ва Миршаббошини (уларнинг барчаси эроний эдилар) лавозимидан четлатилишини қаттиқ талаб этган<sup>824</sup>. Ҳатто Остонакул Қўшбегининг тўқнашувларга ишгиروي йўқлиги ва содиқлиги тўғрисидаги амирга юборган иқрорномаси ҳам уни халос эта олмаган<sup>825</sup>. Қонли можаро фақатгина валиаҳд Саййид Олимхон томонидан масъулларнинг лавозимидан четлатилиши натижасидагина тинчланган<sup>826</sup>. Ўрганилган тарихий манбаларда келтирилган маълумотлар аниқ ишора бермаган бўлсада, 1910 йил январь ойидаги мазкур диний қарама-қаршиликларнинг келиб чиқишида Россия империясининг Бухоро амирлигидаги сиёсий вакилликнинг ҳам қўли борлиги ойдинлашади.

Юқоридаги далиллардан кўриниб турибдики, Аҳмад Донишнинг хавотири ниҳоятда ўринли эди. Шунинг учун у бир диннинг икки йўналиши вакилларини ўзаро иттифоклаштиришга ҳаракат қилиб, авваламбор улар бир қиблага бош қўювчи эътиқод вакиллари эканликларига урғу беради. Унинг фикрича, жамиятда муносиб хулқ-атворда бўлиш тамойилларига асосланган ва диндорлик талабларидан келиб чиқиб, риоя этиш керак бўлган куйидаги бешта устувор мезонлар мавжуд, хусусан:

авваламбор илм эгаллаб, дунё суннатининг мукамаллигига эришиш учун сарвари оламнинг мавжудлигини ақл билан идрок этиш ва амалларнинг мукофоти учун қайта тирилишга иймон келтириш<sup>827</sup>;

иккинчидан, зоҳирий ва ботиний покликка риоя этиб ҳасад ва нафрат, ғийбатдан тийилиш, кишиларга меҳр-мурувват кўрсатиш, салбий фикрлардан сақланиш ва доимо Аллоҳни зикр қилиб юриш; учинчидан, Аллоҳнинг ҳузурига шошилиб (масжид назарда тутилмоқда), ибодат қилиб, салом бериш ва тақводорликка эришиш. Бугуни ва келажаги ҳақида қайғуриш ва дангасаликка қарши курашиш; тўртинчидан, ахлоқий бузуклик ва беҳаё амаллардан тийилиш. Бунинг учун қўнғил амрига қулоқ солиб, доимий никоҳда бўлиш. Зинога асло яқинлашмаслик. Бойлиги ва мансабидан худбинлик қилиб фахрланмаслик. Ғайратини ошириш учун керакли таълимни олиш. Судхўрликни касб қилмаслик. Бола тарбиясига эътиборли бўлиш. Уни мактабга юбориб, илм-фан ва махсус мартаба (касб-хунар) билан шуғулланишига шароит яратиш ва бошқалар билан тўқнашувлардан қочишга ўргатиш<sup>828</sup>; бешинчидан, шариатдан ташқари уламоларнинг сўзларидан қочиш, уларга қарши танқидий фикрлаб ғоявий қаршилик кўрсата олиш, бепарволикдан сақланиш. Иқтисодий (савдо-сотик) ва

---

кичқириқларининг қисқарган шакли ҳисобланади. Мазкур диний удум “ашуро” маросими деб ҳам юритилади.

<sup>824</sup> Ўзбекистон МА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 773-иш. 2, 8, 10-варақлар.

<sup>825</sup> Ўзбекистон МА, И-126-фонд, 1-рўйхат, 193-иш, 2-варақ.

<sup>826</sup> Ўзбекистон МА, И-461-фонд, 1-рўйхат, 773-иш, 10-варақ.

<sup>827</sup> ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 126-варақ.

<sup>828</sup> ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 127-варақ.

маиший хизмат кўсатишда адолатли бўлиш. Агар булар одамларнинг вазифалари бўлса, унда адолатли, ростгўй ва раҳмдил бўлиш. Унинг фойдаси каби, зарарини ҳам кўра олиш ва ундан сақланиш. Хиёнат ва ўғрилиқдан тийилиш<sup>829</sup>.

Шиалар ва суннийлар ўртасидаги ихтилофларни ислоҳ қилишга қаратилган мазкур иймон келтиришнинг мезонлари “усули хамса” деб номланиб, - “Осмондан илоҳий китоб нозил бўлмаганида ҳам, киши уларга риоя этса, у шубҳасиз чин иймон-этиқодли бўлишга эришади. Буни пайғамбар (салоллоҳи алайҳи ва саллам)га нозил бўлган китоб (Қуръони Карим) ҳам тасдиқлайди ва уни янада мукаммаллаштириб, риоя этишни амр этади. Шунинг учун барча дин биродарлари уларга риоя этиб, бир-бирларига мурувватда бўлишлари, иғво ва ихтилофлардан сақланишлари лозим”<sup>830</sup>, – деб ўз фикрларини тасдиқлайди муаллиф.

Хулоса қилиб айтганда, маърифатпарвар Аҳмад Дониш Бухородаги 1910 йил конли январ воқеаларини олдиндан кўра олган. Диний ихтилофларнинг сабаблари, оқибатлари ҳамда ечимлари устида фикрлаб, кечиртириб бўлмас чора-тадбирлар орқали кўп йиллар давомида юқори сиёсий поғоналарда тўпланиб қолган муаммоларга ечим топишга ҳаркат қилган. Эътибор қаратилган бўлса, Аҳмад Дониш таклиф этган “хамса усули” илм-марифат йўли орқали диний низоларни ҳал этишга бағишланган бўлиб, ҳатто бугунги кунда дунёда содир бўлаётган айрим муаммоларни ҳам ҳал этишга қодир бўлганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

---

<sup>829</sup> ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 128-варақ.

<sup>830</sup> ЎзР ФА ШИ, анжом рақами: 553. 128-варақ.

## МУНДАРИЖА

МУСАҲҲИҲ	АННОТАЦИЯ	
<b>ҲАМИДОВ Обиджон Хафизович</b>	<b>СЎЗБОШИ ҚАДИМИЙ ВА ҲАМИША НАВҚИРОН БУХОРОИ ШАРИФ – ИЛМ-ФАН МАДАНИЯТ ЎЧОҒИ</b>	3
<b>Темиров Фаррух Умедович</b>	<b>БУХОРО – ЖАҲОН ТАМАДДУНИ, ИЛМ-ФАН ВА МАДАНИЯТ САРЧАШМАСИ</b>	7
<b>1-ШЎБА. БУХОРОНИНГ ҚАДИМГИ, ИЛК ВА ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ</b>		
<b>ҲАЙИТОВ Шодмон Ахмадович</b>	БУХОРО ВА НАВОИЙ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ ПРОФЕССОР С.И.ИНОЯТОВ ТАДҚИҚОТЛАРИ КЎЗГУСИДА	18
<b>Қахрамон РАЖАБОВ Сулаймон ИНОЯТОВ</b>	ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ – ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ ИНҚИЛОБИЙ ҚЎМИТАСИ (МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТ) РАИСИ (1924 ЙИЛ НОЯБРЬ – 1925 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ)	21
<b>Аббосхон Ҳамзаевич АБДУЛЛАЕВ</b>	“ТАРИХИ ЯМИНИЙ” ШАРҲИ	32
<b>Отабек Бахриев АМАНИЛЛАЕВИЧ</b>	ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ШОҲ АСАРИ – “САҲИҲУЛ БУХОРИЙ”	35
<b>А.АБДУЛЛАЕВ Н.Б.МАХМУДОВА</b>	АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙНИНГ ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ	37
<b>Pirnazar Sardor o'g'li RAJABOV</b>	XI ASR BIRINCHI CHORAGIDA BUXORODAGI IJTIMOY- SIYOSIY JARAYONLARDA SALJUQIYLARNING O'RNI	42
<b>Baxtishod Baxridin o'g'li UMAROV</b>	ARAB MANBALARIDA BUXORO SHAHRI TAVSIFI (“KITOB AL-MASOLIK VAL-MAMALIK” MISOLIDA)	45
<b>Jahongir Davlatovich OSTONOV</b>	BUXORO VOHASINI O'RGANISH FRANSIYA- O'ZBEKISTON ARXEOLOGIK MISSIYASI HAQIDA	47
<b>UTAYEVA Feruza Xolmamatovna QURBONOVA Dilnora Nuriddin qizi</b>	IBN SINO ILMIY MEROSINING JAHON SIVILIZATSIYASIDA TUTGAN O'RNI	50
<b>Абдусалом Рауфович АЮБОВ ВАХОБОВА Гулджахон Кахрамоновна</b>	НАЗВАНИЕ БУХАРЫ В ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКАХ	52
<b>ЗИЁВИДДИНЗОДА Зулолиддин ПРИМОВ Мухсин</b>	АЗ ТАЪРИХИ РУШДИ МАТЕМАТИКА ДАР ОСИЁИ МАРКАЗИЙ	55
<b>МУХАМЕДЖАНОВА Л. П. НОСИРОВ А.Ж.</b>	ИСМАИЛ ИБН ХАСАН ДЖУРДЖАНИ - ВЕЛИКИЙ УЧЕНЫЙ ВОСТОКА	62
<b>ОЛИМОВ Дилшодҷон Рӯзибоевич</b>	АНТРОПОНИМИКАИ БУХОРО ДАР АСАРИ «ТАЪРИХИ БУХОРО»-И АБЎБАКРИ НАРШАХӢ	66
<b>ОЧИЛОВ Алишер Тўлис ўғли</b>	БУХОРО ВОҲАСИ БРОНЗА ДАВРИ ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ ТАРИХИ	71
<b>РАИМҚУЛОВ А.А.</b>	РОМИТАН ШАҲРИНИНГ ТАРИХИЙ ТОПОГРАФИЯСИ ХУСУСИДА	74
<b>СОДИҚОВ Сомон Раҳимқулович</b>	ИНЪИКОСИ БА САРИ ТАХТ ОМАДАНИ АМИР АБДУЛАҲАДХОН ДАР САРЧАШМАҲОИ ТАЪРИХӢ ВА АДАБИЁТҲОИ ИЛМӢ	81
<b>Азимхўжа ОТАХЎЖАЕВ</b>	СУҒДДА СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК АНЪАНАЛАРИ	85
<b>РАЈАВОВ Oybek Iskandarovich</b>	ХОЈА UBВON IBN USMON IBN AFFON ZIYORATGONI	90
<b>Хуршид ҚУРБОНОВ</b>	ҚЎХНА ТАРИХИМИЗНИНГ БЕБАҲО “ШОҲ САРОЙИ”	92

<b>Шавкатжон Баҳром ўғли ХАЛИЛОВ</b>	ИФТИХОРИДДИН БУХОРИЙ – ЗАБАРДАСТ АЛЛОМА	95
<b>Айнура Найматовна АХМАТОВА Арстанбек Касенович ИЛЕБАЕВ</b>	МУЗЫКАЛЬНАЯ КУЛЬТУРА БУХАРЫ	96
<b>Ражаб ҚИЛИЧЕВ Мадина УСМОНОВА</b>	БУХОРОЛИК ГЕОГРАФ-САЙЁҲЛАР	101
<b>ҚОДИРОВ Давронбек Хошимович</b>	АБУЛҚОСИМ ҚУШАЙРИЙ МЕРОСИНИ ЎРГАНИШГА ДОИР МАНБАЛАР	105
<b>ҚАҲҲОРОВ Умед Ашўраҳмадович</b>	АЗ ТАЪРИХИ БЕМОРИСТОНҲОИ ШАҲРИ БУХОРО ДАР АСРҲОИ IX-X	107
<b>ТЕШАЕВ Н. Н.</b>	ИБН СИНО ФАЛСАФАСИДА “ЕТУК ЖАМОА ВА ЕТУК ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ” КОНЦЕПЦИЯСИ	110
<b>ESHQUVVATOVA Mahfuza Qayimjon qizi</b>	ILK O’RTA ASRLAR BUXORO TARIXIDAN	112
<b>ҒАНИЕВА Ситора</b>	ПОЙКЕНТ ШАҲАРЧАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР	114
<b>IRGASHOV Xusniddin Nuridin o’g’li</b>	BUXORO ARKI TARIXI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	117
<b>Насриддин НАЗАРОВ</b>	ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИКНИНГ ЎРХУН ТОШБИТИКЛАРИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ	120
<b>OZODOVA O’g’iloy Davron qizi</b>	SOMONIYLAR SULOLASI DAVRIDA BUXORO SHAHRINING ANAMIYATI	123
<b>ЧЎТМАТОВ Жўрабек Омонович</b>	БУХОРОНИНГ ТЕРМИЗИЙ ҚОЗИСИ	127
<b>ABDULLAYEVA Muxayyo Iskandarovna</b>	EZGULIK SHAHRINING QADIMGI NOMLARI MA’NOSI HAQIDA	130
<b>SA’DULLAYEVA Mahfuza Husenovna</b>	BUXORONING MADANIY MEROS YODGORLIKARI	133
<b>ALTIBOYEV Yuldosh Ergash o’g’li SA’DULLAYEVA Mahfuza Husenovna</b>	BUXORO SHAHRINING NOMLANISH TARIXI	134
<b>С. С. РАЖАБОВ</b>	СОМОНИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРО ТАРИХИ	136
<b>2-ШЎБА. БУХОРОНИНГ ХОНЛИКЛАР (АМИРЛИК) ДАВРИ (ШАЙБОНИЙЛАР, АШТАРХОНИЙЛАР ВА МАНҒИТЛАР) ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИ</b>		
<b>ТЕМUR ХО’ЖАО’Г’ЛИ (TİMUR КОСАОĞLU)</b>	TEMİR PARDANING İKKİ TOMONIDAGI QARİNDOSHLAR TAQDIRİ: SULAYMON İNOYATOV BİLAN TEMUR ХО’ЖАО’Г’ЛІ	138
<b>Қахрамон РАЖАБОВ</b>	БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ХИВА ХОНЛИГИДА ИЖТИМОЙ ВА СИЁСИЙ ҲАЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	142
<b>ҲАЙИТОВ Шодмон Аҳмадович</b>	BUXORO AMIRLIGIDAGI TURKMAN QAROQCHILARI HAQIDAGI MA’LUMOTLAR	147
<b>ҒАФҒОРОВ Шокир Сафарович</b>	БУХОРО АМИРЛИГИ ДАВРИДА САМАРҚАНДА БОШҚРУВ ТИЗИМИ	150
<b>АБДУЛЛАЕВ Шавкат Усманович ВОХИДОВ Шодмон Хусейнович</b>	МУХАММЕД ШЕЙБАНИ ХАН: ЖИЗНЬ И ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ	166
<b>М.И.НИЯЗОВА Н.Ш.СУЛТОНОВА</b>	МАТОЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИДА ИЖТИМОЙЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ	180
<b>ЗАМОНОВ Акбар Турғинович</b>	БУХОРО ҲУКМДОРЛАРИНИНГ “САЙЙИД” МАҚОМИГА ЭГА БЎЛИШИГА ДОИР БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР	184

<b>САИДОВ Бахтиёр Латифович</b>	ИНЪИКОСИ БА ТАХТИ БУХОРО СОҶИБ ШУДАНИ МУЊАММАДЎОНИЁЛБИЙ ДАР «ТУЊФАТ-УЛ-ХОЊИ»-И МУЊАММАДВАФОИ КАРМИНАГЊИ	187
<b>AHMADOV Ahmadjon Asror o'g'li</b>	XIX ASRNING OXIRI – XX ASR BOSHLARIDA BUXOROLIKLARNING AFG'ONISTONGA MIGRATSIYASI	189
<b>ALLAMURATOV Shuxrat Ashurovich</b>	ROSSIYA IMPERIYASINING AMUDARYODAGI STRATEGIK MAQSADLARI (ROSSIYA IMPERIYASI BOSQINIGA QADAR)	192
<b>АХМАТОВ Амонкелди Ҳасанович</b>	БУХОРО АДАБИЙ МУҲИТИ ТАРИХИ НАМОЁНДАЛАРИ: ТАДҚИҚ ВА ТАҲЛИЛ	196
<b>SAFAROV Tolib Todjievich</b>	BUXORO AMIRLIGINI XIVA HAMDA QO'QON XONLIKLARI BILAN BOG'LOVCHI SAVDO YO'LLARI	198
<b>JO'RAYEV Isomiddin Ismoilovich</b>	“TARIXIY SALIMIY” - BUXORO TARIXI OID MUHIM MANBA	202
<b>FAYZULLAYEV Farrux</b>	МОВАРОУННАХРДА ШАЙБОНИЙЛАРНИНГ ҲОКИМИЯТ ТЕПАСИГА КЕЛИШИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР	204
<b>SAFAROV Tolib Todjievich</b>	BUXORO AMIRLIGINI YAQIN QO'SHNI XORIJ MAMLAKATLAR BILAN BOG'LOVCHI SAVDO YO'LLAR	210
<b>HIMMATOV Ro'zi</b>	MIRZO SIROJIDDIN HAKIMNING TUNFAI AHLI BUXORO ASARI XUSUSIDA	213
<b>MUBINOV Muhammadali Akobirovich</b>	BUXORO AMIRLIGINING SIYOSIY, IJTIMIY-IQTISODIY HAYOTI INGLIZZABON MUALLIFLAR ASARLARIDA	215
<b>QURBONOV Murodjon</b>	“TARIXI SALIMIY” ASARIDA AMIR MUZAFFAR FARZANLARINING TARJIMAI HOLI	220
<b>NOSIROV Sherzod</b>	PROFESSOR PO'LAT SOLIYEV IJODIDA MANG'ITLAR DAVRI TARIXI MASALALARI	225
<b>Ж.Ю.ЭРГАШЕВ</b>	КАРВОНСАРОЙЛАРНИНГ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ	227
<b>ТОЖИЕВ Достонжон</b>	УБАЙДУЛЛАХОН I ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	231
<b>XIDIROV Xoshim</b>	MUHAMMAD SHAYBONIYXON – SHAYBONIYLAR DAVLATINING ASOSCHISI	234
<b>АБДУКАРИМОВ Жамолiddин</b>	“МУНТАХАБ АТ-ТАВОРИХ” АСАРИ МУАЛЛИФИ МУЊАММАД ҲАКИМХОН АМИР ШОҲМУРОД ҲАҚИДА	238
<b>Музробжон АБДУЛЛАЕВ Расулбек АБДУРАСУЛОВ</b>	АШТАРХОНИЙЛАР ДАВРИДА БУХОРО ХОНЛИГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СОЛИҚ ТИЗИМИ	241
<b>Феруза АМОНОВА</b>	АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИДА ИҚТИСОДНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚАРАШЛАРИ	245
<b>Фарзия АНСОРОВА</b>	ХАРИТАИ АҲМАДИ ДОНИШ ДАР САНКТ -ПЕРЕРБУРГ	248
<b>Saodat АТАВЕКОВА</b>	МИР АРАБ МАДРАСАСИ: ТАЪЛИМ ВА НОЁБ МЕЪМОРЧИЛИК АНЪАНАЛАРИНИНГ ИНТЕГРАЦИЯСИ АСОСИ	257
<b>Жуманиёз САНГИРОВ</b>	АШТАРХОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА ҲУДУДИЙ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ	261
<b>Каримов Б.Х.</b>	АҲМАД ДОНИШ БУЮК МУТАФАККИР ОЛИМ ВА МАЪРИФАТПАРВАР	266
<b>Курбанов Б.Г</b>	К ИСТОРИИ УЧЕБНЫХ ПРИНАДЛЕЖНОСТЕЙ СРЕДНЕВЕКОВОЙ БУХАРЫ	270
<b>Begimqulova Laylo</b>	BUXORO AMIRLIGIDA MANALLIY BOSHQARUVNING O'ZIGA XOSLIGI	274
<b>Шавкат Бобожонов</b>	БУХОРО АМИРЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЙ ПИРЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ АНЪАНАСИ	276

<b>Бобожонова Феруза</b>	XIX аср охири-XX асрнинг биринчи чорагида Бухорода мактаб таълими	280
<b>Мамадалиев И.А. Арипова Н.И.</b>	«БУХАРА» – В КОНТЕКСТЕ ИМПЕРСКИХ ПРОТИВОРЕЧИЙ	283
<b>Лола Полвоновна Мухамеджанова Саодат Саггоровна Жабборова</b>	1917 ЙИЛ БУХОРОДАГИ АПРЕЛЬ ВОҚЕАЛАРИГА ДОИР	287
<b>Abduraimova Manzura</b>	BUXORO AMIRLIGIDA KONCHILIK SANOATINING PAYDO BO'LISH JARAYONLARI	294
<b>Tilabjonova. S.Sh</b>	BUXORO XONLIGI ASHTARXONIYLAR SULOLASI DAVRIDA : ELCHILIK MUNOSABATLARI	297
<b>Beknazarov Javohir</b>	ASHTARXONIYLAR SULOLASINING SHAJARASIGA DOIR AYRIM FIKR MULOHAZALAR.	300
<b>Umidjon Baqoyev</b>	AMIR SHOHMUROD - ILM-FAN VA MADANIYAT HOMIYSI	305
<b>Homidjonov Nodir</b>	BUXORO AMIRLIGI VA ROSSIYA O'RTASIDA XIX ASRNING 30-50 YILLARDA OLIB BORILGAN MUNOSIBATLAR	308
<b>Do'smurotov Raximjon</b>	BUXORO XONLIGIDA MADANIY HAYOT	311
<b>N.A. Jumayeva Samandarova Nasiba</b>	BUXORO HOVUZLARI TARIXI XUSUSIDA	313
<b>Ne'matov Mirshod</b>	BUXORODA ASHTARXONIYLAR HUKMRONLIGI DAVRI ME'MORCHILIGI	316
<b>Orifjonov Xaitboy</b>	BUXORA AMIRLIGIDA MANG'ITLAR SULOLASI DAVLAT BOSHQARUVI	318
<b>Umarov Asadbek</b>	BUXORO XONLIGIDAGI SOLIQ SIYOSATI	321
<b>Xudayberganova Laylo</b>	BUXORO XONLIGIDA QUL SAVDOSI	323
<b>Yuldashaliyeva O'g' iloy Ahmadov Ahmadjon</b>	BUXORO AMIRLARINING ME'MORCHILIKKA QO'SHGAN HISSASI	325
<b>Феруза Амонова</b>	ОТАУЛЛА ХЎЖАЕВ ВА УНИНГ МАШХУР ЗАМОНДОШЛАРИ	328
<b>Феруза Амонова</b>	УСМОН ХЎЖА, ОТАУЛЛА ХЎЖАЕВ ВА ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ АЖДОДЛАРИНИНГ БУХОРО АМИРЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ (ПЎЛАТХЎЖА ВА ҚОСИМХЎЖА ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА)	334
<b>З.А.Адилбекова</b>	АРХИВНЫЕ МАТЕРИАЛЫ О ВЗАИМОСВЯЗИ ГОРОДОВ КАЗАЛЫ И БУХАРЫ	339
<b>Савриев Жасур</b>	БУХОРО АМИР ВА АМАЛДОРЛАРИ ДАВРИДА, КАРМАНАДА БУНЁД ЭТИЛГАН САРОЙ ВА ЧОРБОҒЛАР ҲАҚИДА.	345
<b>Сойиб Раупов</b>	БУХОРО АМИРЛИГИДА МАХАЛЛИЙ ЎЗИНИ - ЎЗИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.	349
<b>Икромжон Азизов</b>	XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДА ҲУНАРМАНДИЛИКНИНГ ЎРНИ	354
<b>Назаров Фахриддин Зунунова Муминахон</b>	ВКЛАД УЧЁНЫХ ТАДЖИКИСТАНА В ИЗУЧЕНИЕ ИСТОРИИ БУХАРЫ В РОССИЙСКОМ ПРОСТРАНСТВЕ	361
<b>Холида Очилова</b>	БУХОРО ХОНЛИГИ ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА БОЛА ТАРБИЯСИ БОҒЛИҚ МАРОСИМЛАРДА ИСЛОМ ДИНИНИНГ ЎРНИ (ҚАРШИ БЕКЛИГИ АҲОЛИСИ МИСОЛИДА)	365

<b>Гўзал Нормуродова</b>	БУХОРО АМИРЛИГИДА ЯНГИ МУЛҚДОРЛАР ҚАТЛАМИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТДАГИ РОЛИ (XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИ)	368
<b>Гадоев Дадахон</b>	САЙФИДДИН БОҲАРЗИЙ МАСЖИДИ ВА ЗИЁРАТГОҲИ ТАРИХИ	372
<b>Давронов Бахтиёр</b>	НАЗАРЕ БА ТАЪРИХИ ПАЙДОИШИ ЭШОНҲО	375
<b>Хусен Хайруллаевич ДЖУРАЕВ</b>	БУХОРО ХОНЛИГИДА МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ ТАРИХИ	383
<b>Одил Олимжонович Зарипов</b>	БУХОРО ХОНЛИГИ ЕР-СУВ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД АЙРИМ АТАМАЛАР (АБУЛФАЙЗХОН ДАВРИГА ТЕГИШЛИ ҲУЖЖАТ МИСОЛИДА)	391
<b>Зияева Раъно Алимжановна</b>	МИРЗА БУХОРИЙ: КОЛЛЕКЦИЯЛАР ОРТИДАН МАШҲУРЛИК	393
<b>Хошимова Шафоат Ахмедова Мунира</b>	ИЗ ИСТОРИ И КУЛТУРИ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА	398
<b>Каландарова Ферангиз</b>	“МИРЪОТ УЛ-ЯҚИН” МИРЗО СОМИЙНИНГ ИЖТИМОИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАРИНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ СИФАТИДА	401
<b>Қудратов Шухрат Ёдгорович</b>	ХОРО АМИРЛИГИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИКНИНГ ЗАРГАРЛИК ВА ЗАРДЎЗЛИК СОҲАЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.	404
<b>Ражаб Килличев</b>	ЮВЕЛИРНЫЕ ИСКУССТВО БУХАРЫ В КОНЦЕ XIX ВЕКА	406
<b>Кўчаров Жамшид</b>	АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРО ВОҲАСИДА ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО-СОТИҚНИНГ АҲВОЛИ.	410
<b>Хантов Ш.А.</b>	БУХОРО АМИРЛИГИ РУС МАНЗИЛГОҲЛАРИДА 1916 ЙИЛ ХАЛҚ ҚЎЗҒОЛОНИ ДАВРИДА КУРАШ ТАРҒИБОТИ ХУСУСИДА	416
<b>С.Исроилов</b>	ОБ ОТНОШЕНИИ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА С РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИЕЙ ПРИ НАСРУЛЛАХАНЕ	421
<b>Файзиёва Ф.И.</b>	БУХОРО АМИРЛИГИДА РУС МАНЗИЛГОҲЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ТАРИХИДАН	429
<b>Исамитдинов Жорабек</b>	РОҶЕЪ БА ФАЪОЛИЯТИ АҲЛИ ДИНУ ТАСАВВУФИ БУХОРО ДАР ЗАМОНИ ҲУКМРОНИИ МАНГИТҲО	431
<b>Жўраев Ҳамза Атоевич</b>	ҲАҚ ЙЎЛИДА МАҒЛУБ БЎЛГАН ЖАДИДЛАР	436
<b>Авазбек Толибжонович Мирзаев</b>	БУХОРО АМИРЛИГИ БИЛАН ҚЎҚОН ХОНЛИГИНИНГ САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН	438
<b>Мухамеджанова Л.П Самадова М.Ў</b>	САДРИ ЗИЁНИНГ ШАХСИЙ КУТУБХОНАСИ - БУХОРО ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МУҲИМ МАНБА	441
<b>Мухторзода Киромиддин Тоҷиддин</b>	АМАЛИШАВИИ НИЗОМИ СЕГОНАИ ҲУҚУҚИ ДАР ДАВЛАТДОРИИ БУХОРО	445
<b>Мухамадизода Меҳриддин Бокӣ</b>	ВАЗЪИ СИЁСИИ БУХОРО ДАР ЗАМОНИ АШТАРХОНИЁН	450
<b>И.Н.Напмов</b>	1910 ЙИЛ ЯНВАР ВОҚЕАЛАРИ: САБАБ, ОҚИБАТ ВА ЕЧИМ	453
<b>Орзиев Махмуд Зайниевич</b>	XVIII АСР ОХИРИ - XIX ЎРТАЛАРИГАЧА БУХОРО АМИРЛИГИ ВА УСМОНЛИ ТУРК ДАВЛАТИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ ХУСУСИДА	458

<b>Гулпарӣ Шарифова</b>	АЗ ТАЪРИХИ ТАЗКИРАНИГОРӢ ДАР БУХОРО: АФЗАЛ МАҲДУМИ ПИРМАСТИИ БУХОРОЙ ВА ТАЗКИРАИ Ӯ	461
<b>Ражабова Дилноза Ярашовна</b>	БУХОРО АМИРЛИГИДА ЯҲУДИЙ АЁЛЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИЖТИМОӢЙ СТРАТИФИКАЦИОН ЖАРАЁНЛАР	465
<b>Нигора Қудратиллаевна Рахимджанова</b>	ТУРКИСТОН МАТБУОТИДА БУХОРО ТАРАҚҚИЙПАВВАРЛАРИНИНГ ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИ (“АЛ-ИСЛОҲ” ЖУРНАЛИ МИСОЛИДА)	468
<b>Мавлуда Эркин кизи Раҳманова</b>	СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ТОМОНИДАН БУХОРО ВИЛОЯТИГА МАЖБУРАН КЎЧИРИЛГАН ХАЛҚЛАРНИНГ ИЖТИМОӢЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ХЎЖАЛИҚ ҲАЁТИ МАСАЛАСИ (1937-1953 йй.)	472
<b>Раҳмонов Т.Э. Раҳмонова М.Т.</b>	АҲМАД ДОНИШНИНГ ФАРЗАНДЛАРИГА ВАСИЯТИ ВА КАСБ -ҲУНАР ХУСУСИДА	477
<b>Вазира Садуллаева</b>	БУХОРО АМИРЛИГИ ТАРИХИГА ОИД МАНБАЛАР	481
<b>О.А. Соловьева Ш.Рузматова</b>	ХІХ АСР БУХОРО АМИРЛИГИДА МАНСАБ ВА УНВОНЛАРНИНГ РАМЗЛАРИ	485
<b>Торгаутова Ш.А.</b>	ВЛИЯНИЕ «АҚТАБАН ШҮБҒЫРЫНДЫ, АЛҚАКӨЛ СҮЛАМА» В ПЕРИОД ДЖУНГАРСКИХ НАБЕГОВ 1635- 1756 ГГ. НА ПЕРЕСЕЛЕНИЕ КАЗАХОВ В БУХАРУ, САМАРКАНД И ХИВУ В 1723-1729 ГГ	498
<b>Иззатулло Хусенович Шоев</b>	СУДОПРОИЗВОДСТВО В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ.	505
<b>Таниева Гулдона Мамановна</b>	АМИР ҲАЙДАР ЭЛЧИСИНИНГ АСЛ ИСМИ ЭШМУҲАММАД БАЙКИШИЕВМИ ЁКИ...	508
<b>Guliruxsor Temirova</b>	ZAYNIDDIN VOSIFIYNING “BADOYE’ UL – VAQOYE’ ASARI – BUXORO TARIXIGA OID MUHIM MANBA	511
<b>Махмудова Нигора Баратовна</b>	К некоторым вопросу о толерантности местного населения в Туркестанском генерал-губернаторстве (по материалам отчётов сенатора К.К.Палена. 1908-1909г.г.)	513
<b>Rajabov Oybek Iskandarovich</b>	BUXORO AMIRLIGIDA ILM-FAN VA MADANIY NAHOT	516
<b>Хазретали Турсун Хакан АС</b>	КУЛЬТУРНОЕ НАСЛЕДИЕ РЕПРЕССИРОВАННОГО КОНУРХОДЖЫ ХОДЖИКОВА – ПРЕДСТАВИТЕЛЯ ТУРКЕСТАНСКОЙ ЭТНОЭЛИТЫ	519
<b>Равшанов Ўқтамали</b>	БУХОРО АМИРИГА ЯҲУДИЙЛАРНИНГ ИНЪОМИ	523
<b>Ортиқов Умирилло</b>	ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ТОМОНИДАН ЕТТИСУВ ВИЛОЯТИГА АҲОЛИНИ КЎЧИРИШ СИЁСАТИ	529
<b>Хошимова Шафоат Гафурова Гулсара</b>	Инкишофи тафаккури толибим дар омӯзонидани мавзӯи “Вазъи сиёсии Хонии бухоро дар асри XVII ва нимаи аввали асри XVIII”	532
<b>Иззатулло Хусенович Шоев</b>	ПРАВОВАЯ СИСТЕМА В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ.	535
<b>Ҳамидулла Болтабоев Дилрабо Казакбаева</b>	XX АСР БОШЛАРИ БУХОРО ҲАЁТИ ФИТРАТ ТАЛҚИНЛАРИДА	539
<b>Темпирова Шахноза Валиевна</b>	ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – ХХ АСР БОШЛАРИДА РОССИЯ ҲУКУМАТИ ТОМОНИДАН БОШҚАРУВ ТИЗИМИ ВА КЎЧИРИШ СИЁСАТИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР	545
<b>ShodmonVoxidov Sheroz Temirov</b>	MANG‘ITLAR SULOLASI VAKILI MUHAMMAD SIDDIQ HASHMATNING BUXORO ILMİY ADABIY MUHITIDA TUTGAN O‘RNI	548
<b>Ходжикова С.К.</b>	ИЗ ИСТОРИИ ТУРКЕСТАНСКИХ ДЖАДИДОВ.	553

Ходжикова Сауле Кулахмедовна Тилекулов Гаухар Сейдуалыевич	О КУЛЬТУРНЫХ ЦЕННОСТЯХ БУХАРЫ И КАЗАХСКОЙ ИНТЕЛЛИГЕНЦИИ	560
Қобулов Э.О. Бегалиева М.О. Худойбердиев Ў.	“ҲИСОР ЭКСПЕДИЦИЯСИ” ТАРИХИ (ТУРКЕСТАНСКИЕ ВЕДОМОСТИ МАЪЛУМОТЛАРИАСОСИДА)	565
Nomozov Muxammadali	BUXORONING ASHTARXONIYLAR DAVRIDAGI MEMORCHILIGI	569
Турсунов Бустон Рахмонович Турсунова Зиёлохон Маматқулов Жўрабек Абдуғаниевич	ПРОТИВОСТОЯНИЕ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА И КОКАНСКОГО ХАНСТВА И ЕЕ ПОСЛЕДСТВИЯ.	570
Ю. А. Шуқуриллаев	АМИР ОЛИМХОН ҲУКМРОНЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА КЕЧГАН СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАР ТАВСИФИ	576
Jumaeva Nilufar Axmatovna	BUXORO DEHQONCHILIGI MADANIYATI TARIXIDAN (XIX ASR OXIRI-XX ASR BOSHLARI)	582
Bozorov Elyorjon Sa'dullayeva Mahfuza Husenovna	BUXORO XONI ABDULLAXON II NING BUXORO TARIXIDA TUTGAN O'RNI.	587
<b>3-ШЎБА. БХСР ВА СОВЕТ ДАВРИДА БУХОРО ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ</b>		
Хасанов Бахтиёр	ГЕРМАНИЯДА ТАҲСИЛ ОЛГАН БУХОРОЛИК ОМОНУЛЛО НУСРАТУЛЛО ҚИСМАТИ	590
Фаррух Темиров	САДРИДДИН АЙНИЙ ВА ПУБЛИЦИСТИКА	592
Дилноза Жамолова	БУХОРО ТАРАҚҚИЙПАРВАРЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА ДАВРИДАГИ ФАОЛИЯТИ ВА ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ	596
Ойбек Рашидов	БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА МИЛЛИЙ БОШҚАРУВ УЧУН КУРАШИ	603
Eren AKDENIZ	THE BASMACHI MOVEMENT IN BUKHARA PUBLISHED IN AK ZOL NEWSPAPER	605
Ибодулла Шоймардонов	ЎЗБЕКИСТОНДА МАДАНИЙ-ОҚАРТУВ МУАССАСАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ МАЪНАВИЙ ТУРМУШИДАГИ ФАОЛИЯТИ (XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАРИ ИККИНЧИ ЯРМИ – 30-ЙИЛЛАР)	609
Эргашева Мавлуда Зулқандар қизи	БУХОРО ХАЛҚ ЖУМҲУРИЯТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ – ДЕМОКРАТИК АСОСИЙ ҚОНУН	617
Alijonov Muslimbek	JADID TARAQQIYPARI G'OZIY YUNUS VA BUXORO MATBUOTI	620
Kanat Bazarbayev	POLITICAL SITUATION AND KAZAKH INTELLECTUALS IN BUKHARA IN MEMORIALS OF ZAKI WALIDI TOGAN	622
Феруз Бобоев	БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА 1923-1924 ЙИЛЛАРДАГИ СОЛИҚ СИЁСАТИ	628
Алланазаров Мурот	БХСР ХАЛҚ НОЗИРЛАР ШЎРОСИДА МИЛЛИЙ РАҲБАР ХОДИМЛАР ИШТИРОКИ	633
Ж. Мажидов	XX АСР 50-80 ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ВИЛОЯТИДА ТРАНСПОРТ - КОММУНИКАЦИЯ ТИЗИМИНИНГ ҲОЛАТИ ВА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЎРНИ	636
Иноятов Сулейман Иноятович Арипова Халима Ариповна	ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ «БУХАРСКОГО ДОМА ПРОСВЕЩЕНИЯ» В МОСКВЕ	641

<b>Рахмонов Камол Жамолович</b>	ДЎСТОНА ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК АЛОҚАЛАРИ: МАНБАЛАР ТИЛГА КИРГАНДА	658
<b>А.А. Кабыл М.У. Турадилов</b>	ОТКОЧЕВКА КАЗАХОВ В УЗБЕКИСТАН (1920 – 1930 ГГ.) КАК ПОСЛЕДСТВИЕ СОВЕТСКОЙ РЕПРЕССИВНОЙ ПОЛИТИКИ В КАЗАХСТАНЕ	660
<b>Баҳром Ирзаев</b>	НИЁЗ РАЖАБЗОДА	665
<b>Utayeva Feruza Xolmamatovna Muxamedjonova Marjona Azamatjon qizi</b>	YENGIL SANOAT TARMOQLARIDA YANGI ISH O'RINLARINING TASHKIL ETILISHI	670
<b>Абдишукуров Бобомурод Фахриддин ўғли</b>	БУХОРО РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИ ТАРИХИДАН АЙРИМ ЛАВХАЛАР (XX АСР 20-ЙИЛЛАРИ)	672
<b>Utayeva Feruza Xolmamatovna Bahodirova Mohlaroyim</b>	BUXORO IP-YIGIRUV FABRIKASIDAGI SHART- SHAROITLAR	675
<b>Абдуллаева Дилфуза</b>	СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДА БУХОРО МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ	677
<b>M.B.Siddiqov</b>	RAHIMA ALIMOVA — FELDSHER, INSTRUKTOR VA HAMSHIRA	680
<b>Шамсиева З.А</b>	BUXORO VOHASI NIKON TO'YI MAROSIMLARI TASNIFI XUSUSIDA	682
<b>Murodova Dilrabo</b>	XX ASRNING 20-30 YILLARIDA BUXORODA XALQ MAORIFI TIZIMI	685
<b>Davlatova Shoira</b>	SOVET HOKIMIYATINING BXSR XALQ TA'LIMI SOHASIGA OID DASTLABKI HUIJATLARI	688
<b>Шотемирова Азиза Усаровна</b>	ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ ТОМОНИДАН СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЙИЛЛАРИДАГИ ЎзССР ДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН АГРАР СИЁСАТИ	691
<b>Hayitov Sh.A. Artikov Z.Z.</b>	TURKISTON ASSRDAGI QOCHOQLAR VA BXSR FUQAROLARINING EVAKUATSIYA QILINISHI TARIXIGA DOIR (ARXIV HUIJATLARI ASOSIDA)	694
<b>Sharipov Rustam</b>	XX ASRNING 40-50 YILLARIDA BUXORO SAN'AT MAKTABI FAOLIYATI	697
<b>Жўраев Шерали</b>	БУХОРО МУЗЕЙИ АРХЕОЛОГИК КОЛЛЕКЦИЯСИНING ЯРАЛИШИ	699
<b>Мухторзода Киромиддин Тоҳиддин</b>	АМАЛИШАВИИ НИЗОМИ СЕГОНАИ ҲУҚУҚИ ДАР ДАВЛАТДОРИИ БУХОРО	701
<b>Очилова Гулмира Мардоновна</b>	XX АСР БОШИДА БУХОРО МАТБУОТИ (“БУХОРОИ ШАРИФ” ВА “ТУРОН” ГАЗЕТАЛАРИ МИСОЛИДА)	705
<b>Шодмон Воьидов Гулшарі Шарифова</b>	РЕМЕСЛА И РЕМЕСЛЕННИКИ БУХАРЫ В «ВОСПОМИНАНИЯХ» САДРИДДИНА АЙНИ	708
<b>Пардаев Асрор</b>	ЎРТА ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИНИНГ МАНБАЛАРДА ЁРИТИЛИШИ	717
<b>Мавлуда Абдусаматовна Раҳмонова</b>	ФИТРАТ САФДОШИ, М. МАХСУМОВ ИЗДОШИ	721
<b>Мавлуда Эркин қизи Раҳманова</b>	СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ТОМОНИДАН БУХОРО ВИЛОЯТИГА МАЖБУРАН ҚЎЧИРИЛГАН ХАЛҚЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ ВА ХЎЖАЛИК ҲАЁТИ МАСАЛАСИ (1937-1953 йй.)	727
<b>Шохжаҳон Рашидов</b>	БУХОРО САРЧАШМАЛАРИДАН ҚУВВАТ ОЛИБ...	731
<b>Турсун Хазретали Батырбекқызы Гаухар</b>	НАЗИР ТОРЕКУЛОВ – ОРГАНИЗАТОР НАЦИОНАЛЬНОГО ИЗДАТЕЛЬСКОГО ДЕЛА ТЮРКСКИХ НАРОДОВ СОВЕТСКОГО ОБРАЗЦА	736

Ю.Б. Турсунова	СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ БОШҚАРУВИГА СИЁСИЙ ТАЪСИРИ	740
Нигматов Алишер Хайруллоевич	“ИСТОРИЧЕСКОЕ НАСЛЕДИЕ УЗБЕКИСТАНА: БУХАРСКАЯ КРЕПОСТЬ АРК И ЕЕ ИСТОРИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ”	742
Худоёров Нойиб Марипович	БУХОРОДАН “ҚУЛОҚ” ОИЛАЛАРИНИ КЎЧИРИЛИШИ	746
Жўраев Ҳамза Атоевич	АБДУРАУФ ФИТРАТ ВА ЖАДИД МАДАНИЯТИ	748
Ҳочиев К.М.	ИНЪИКОСИ ЧАНГИ БУЗУРГИ ВАТАНИ ДАР АСАРҲОИ ПРОФЕССОР МУХТОРОВ А.М.	751
Хошимов С.А.	БХСРда СОВЕТ ҲОКИМИЯТИ ЖАЗОЛОВЧИ ИДОРАЛАРИ ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛГАН СИЁСИЙ ҚАТАҒОНЛАР	755
Murodova Dilrabo	ARXIV HUUJATLARIDA BUXORODAGI YAHUDIY MAKTABLARI FAOLIYATI	758
Ibraimov Xolboy	BXSR VA SOVET DAVRIDA BUXORODA TA'LIM VA FANNING RIVOJLANISHI	761
Шамсиева З.А	Н.П.ЛОБАЧЕВА ВА УНИНГ НИКОҲ ТҶИИ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАРИ	765
Qosimov Qosim Odinaevich	BUXOROLIKLARNING QIZIL ARMIYAGA QARSHI KURASHI	767
Mohinura Misaboyeva	BUXORODA SHO'RO HOKIMIYATINING O'RNATILISHI VA MILLIY-HUDUDIDY CHEGARALANISH	771
Akbayeva Zebiniso	TURKISTON MUSULMONLAR BYUROSII TARIXI	773
Normatov Otabek Махаматжонovich, Chirchiq davlat pedagogika	BUXORO VA XORAZM RESPUBLIKALARIDAGI IJTIMOII-SIYOSII JARAYONLAR TARIXIDAN	777
Зокиров Бобир	БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА СУДЛОВ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ	780
Марупов Шерзодбек	ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ АМАЛГА ОШИРГАН “ТОЗАЛАШ” СИЁСАТИНИНГ БУХОРОДА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ	782
Beshimov Maqsud	Munzim Buxoriy – Buxorodagi jadidchilik harakatining yirik namoyandasi	785
<b>4-ШҶЪБА. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ВА ХОРИЖДА БУХОРО ТАРИХИ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ</b>		
Фаррух Темиров	МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА САДРИДДИН АЙНИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИННИНГ ЎРГАНИШИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ	788
Дилноза Жамолова	МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БУХОРО ЖАДИДЧИЛИГИ ТАРИХИ МАСАЛАЛАРИНИНГ ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИ	793
Очил Бўриев	БУХОРО ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ЭТНОГРАФИЯСИ ТАРИХШУНОСЛИГИ: БАЪЗИ ЧИЗГИЛАР	796
Манзила Қурбонова	БУХОРО ВОҲАСИГА ХОС МАРОСИМИЙ ПАЛОВ	801
В. Boltayev	BUXORO DAVLAT UNIVERSITETIDAGI MUZEYLARNING NAMKORLIK FAOLIYATIDAGI O'RNI.	803

<b>Ирода Ильхамова</b>	ПРОЕКТЫ НАПРАВЛЕНИЯ МУЗЕЙНОГО ТУРИЗМА В СИСТЕМЕ МЕМОРИАЛЬНЫХ МУЗЕЕВ (НА ПРИМЕРЕ МУЗЕЯ АБУ АЛИ ИБН СИНЬ)	805
<b>Санобар Насруллаевна Ходжаева</b>	МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА БУХОРО ТАРИХИНИ ХОРИЖДА ТАДҚИҚ ЭТИЛИШИГА ДОИР	808
<b>Диёржон Абдуллаев</b>	БУХОРО МУКОФОТЛАШ ТИЗИМИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШНИНГ МАНБАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ ("БУХОРО АМИРЛИГИДА МУКОФОТЛАШ ТИЗИМИ" КИТОБИ АСОСИДА)	811
<b>Murodov Halim Salimovich Zulfizarxonim Salimova</b>	BUXORO TURIZMIDA HUNARMANDCHILIKNING O'RNINI VA ISTIQBOLINI	815
<b>Boltayev Bobir Baxtiyorovich</b>	FAVQULODDA VAZIYATLAR VAZIRLIGI BUXORO VILOYAT YONG'IN XAVFSIZLIGI TARG'IBOT MARKAZI FAOLIYATIDAN BIR LAVHA	818
<b>Mukhamedova Munisa Sabirovna</b>	THE MUSEUM OF THE HISTORY OF BLACKSMITHING IN BUKHARA AS AN INTERACTIVE OBJECT	821
<b>Санобар Насруллаевна Ходжаева</b>	МУСИҚА КАФЕДРАСИ ОЛИМПЛАРИНИНГ БУХОРО ВОҲАСИДАГИ МАДАНИЙ ЎЗГАРИШЛАРДА ИШТИРОКИ	823
<b>Haitov J.Sh</b>	MUSTAQILLIK YILLARIDA BUXORODA QISHLOQ XO'JALIGINI YANADA RIVOJLANTIRISH CHORA- TADBIRLARI XUSUSIDA	825
<b>Kazakova Marifat Dexkanovna</b>	EKOLOGIK PARTIYANING "AYOLLAR QANOTI" FAOLIYATI TO'G'RISIDA (BUXORO VILOYATI MISOLIDA)	827
<b>Mamurov Ulug'bek Ibragimovich</b>	VATANPARVAR AVLODNI TARBIYALASHDA MAHMUD TORABIY TIMSOLIGA AKSIOLOGIK YONDASHUV	830
<b>Ҳомидов Абдурашул Махмудов Олимжон</b>	ТАРИХ ДАРСЛАРИДА "БУХОРО ХОНЛИГИ-МАНГИТЛАР СУЛОЛАСИ ДАВРИДА" МАВЗУСИНИ ИННОВАЦИОН ЎҚИТИШ УСУЛЛАРИ	832
<b>Oripova Mavluda Qodirovna</b>	BUXORONING MO'JIZAKOR ME'MORIY OBIDALARI – KOMIL INSON TARBIYASIDA MUHIM MANBA („TARBIYA“ FANINI O'QITISH MISOLIDA)	836
<b>Oripova Mavluda Qodirovna</b>	BUXORO - BUYUK ULUG'VOR SHAHAR	839
<b>Userbayeva Feruza Inoyat qizi</b>	MUSTAQILLIK YILLARIDA O'ZBEKISTONDA VA XORIJDA BUXORO TARIXI TADQIQ ETILISHI	842
<b>Umida Ravshanova</b>	MUNAVVAR QORI ABDURASHIDXONOVNING BUXORODAGI FAOLIYATI	844
<b>Kazakova Marifat Dexkanovna</b>	ADOLAT SOTSIAL – DEMOKRATIK PARTIYASI "AYOLLAR QANOTI" NING FAOLIYATI TARIXIGA DOIR (BUXORO VILOYATI MISOLIDA)	846
<b>Гавхар Муминова</b>	ИСТОРИЯ ЗДРАВООХРАНЕНИЯ БУХАРСКОЙ НАРОДНОЙ СОВЕТСКОЙ РЕСПУБЛИКИ	850
<b>Турсунов Назирчон Очилович Исамитдинов Жорабек Бобобекевич</b>	ИНЪИКОСИ ФАЪОЛИЯТИ САЙРГОҲ (НАВРЎЗГОҲ)-ҲОИ БУХОРО ДАР "ЁДДОШТҲО"-И САДРИДДИН АЙНИ	853
<b>Болтаев Абдурахим Амонович</b>	МУҲЙИДДИН ИБН АРАБИЙ ҚАРАШЛАРИДА СЎФИЙЛИККА МУНОСАБАТ	855

<b>Амонова Феруза Саъдуллаевна</b>	ЯНГИ БУХОРО ЯНГИ САНОАТ ШАҲРИ	858
<b>Махмудов Олимжон Раҳматова Мамлакат</b>	ТЕХНОЛОГИЯИ МУОСИРИ ТАЪЛИМЇ МАВЗЎИ «ФАЙЗУЛЛО ХЎЧАЕВ — АРБОБИ ДАВЛАТИЮ СИЁСЇ» ДАР ДАРСИ ТАЪРИХ	861
<b>Зухридин Жунаев</b>	БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ МУНОСАБАТЛАР	863
<b>Ҳайитов Умед</b>	ЎЗБЕКИСТОНДАГИ МАДАНИЙ ЎЗГАРИШЛАРДА ФАЙЗУЛЛАЕВ ХЎЖАЕВНИНГ ТУТГАН ЎРНИ	866
<b>Наврўзбек Каримов</b>	АМИР ҲАЙДАРНИНГ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР	869
<b>Махмуд Ҳамраев</b>	АМИР САИД ОЛИМХОННИНГ ШАХСИЯТИГА ЧИЗГИЛАР	871
<b>Шарипов Гайрат Зарипович</b>	РУССКИЕ В ВОЕННОЙ СЛУЖБЕ БУХАРСКОЙ АРМИИ	875